

Намозда одамлар беш хил мартабада бўладилар



11:00 / 27.07.2022 3783

1. Муаақаб – у таҳоратда, намознинг вақтларида, ҳудудлари ва арконларида нуқсонга йўл қўядиган киши.
2. Муҳаасаб – у нафсини васваса билан курашини зое қилувчи ва турли васваса ва ҳаёлотлар билан юрувчи кишидир.
3. Мукаффиру анҳу – у намозни ҳад-ҳудудлари ва арконларини муҳофаза қилувчи ва турли васваса, афкорларни даф этиш учун нафси билан курашувчи кишидир.
4. Мусааб – у ҳуқуқи, арконлари ва ҳудудларини комил тарзда адо этган ва намознинг ҳудудлари ва арконларининг риоясига қалби билан берилган кишидир.

5. Муқаррабу мин роббиҳи – у Роббиси азза ва жаллага кўз қувончи билан, У зот кўриб тургани ва кузатиб турганини ҳис этгани ҳолда Унинг муҳаббати ва азамати билан қалби тўлган ҳолда машғул бўлган, бунинг натижасида турли васавасалар бартараф бўлиб, у Роббиси ўртасидаги (ибодат, муножот, боғланишдаги) тўсиқлар кўтарилган кишидир.

Манба: arabic.uz